fargonaazot uz

AO Farg'onaazot

www.azot.uz

fargonaazot.uz



info@azot.uz

Kimvogar Almovogar

ljtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqa boshlagan.

Nº 7 (1695) 2021-vil. 26-ivul.

ИДОРАВИЙ ХАРБИЙЛАШТИРИЛГАН ҚЎРИКЛАШ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА МЕЪЁРЛАРНИ ТОПШИРМОКДАЛАР



ПРОЦВЕТАНИЕ СТРАНЫ -ЗА МОЛОДЕЖЬЮ







Президент сайлови: сайлов кампанияси бошланди

2021 йил 23 июль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда йирик сиёсий жараён Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига старт берилди.

адбирда сиёсий партиялар рахбарлари, фукаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда Марказий сайлов комиссияси 2021 йилнинг 24 октябрь санасини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгилади. Сайлов кампанияси 23 июлдан бошланиши эълон қилинди.

Президент сайлови шу йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишга мувофик, октябрь ойида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низамходжаев Президент сайлови янгиланган миллий сайлов қонунчилиги, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, демократик тамойиллар асосида, очик ва ошкора ўтказилишини алохида қайд

Бўлажак сайлов 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган демократик ғояларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлади.

2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан буён ўтган беш йил мобайнида халқимиз, мамлакатимиз хаётида, жамиятимизда, миллий сайлов қонунчилигида улкан ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро ташкилотлар хамда экспертлар кенг эътироф этишганидек, бу даврда республика хаётининг

ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий сохаларида халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган дадил

ислохотлар амалга оширилди. Илк бор Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси асосида ўтадиган Президент сайловида конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти, яъни давлат рахбари даврийлик принципи асосида сайланиши таъминланади.

Қолаверса, мамлакатимизда сиёсий партиялар сони яна биттага кўпайиб, партиялараро рақобат сезиларли даражада кучайди.

Мажлисда сайлов кампанияси даврида барча сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодлар учун соғлом рақобат мухити ва тенг шароит яратилиши алохида таъкидланди. Бунда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни, жумладан, сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини ўз номзодини илгари сурган сиёсий партиялар, фукаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакиллари, журналистлар, жумладан, хорижлик журналистлар - минглаб кузатувчилар кузатиб боради.

Бўлажак сайловни сиёсий-хуқуқий ва ташкилий жихатдан юксак савияда ўтказиш мақсадида, Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 14 апрелда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурига

биноан, хамкор ташкилотлар билан биргаликда кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Унга кўра, Президент сайловининг ахамияти, ўзига хос жихатлари, Сайлов кодекси, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш хамда кўшимчаларнинг мазмун-мохиятини сайловчиларга ва сайлов ташкилотчиларига етказиш мухим вазифа сифатида белгиланган. Айтиш жоизки, сайлов кампанияси эълон қилингунга қадар бўлган даврда амалга оширилган бундай тадбирлар миллионлаб фукароларни қамраб олди.

Мажлисда сайлов конунчилигида белгиланган нормаларнинг ижросини ўз муддатида ва самарали таъминлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режаси тасдикланди.

Календарь режада Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қадам-бақадам ва кун-бакун амалга ошириладиган вазифалар белгиланган. Округ хамда участка сайлов комиссияларини тузиш, кузатувчиларнинг сайловдаги иштирокини таъминлаш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати, сиёсий партияларнинг, Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг сайловдаги иштироки, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайловолди ташвикоти, сайлов жараёнини ёритиш, овоз беришни ўтказиш билан боғлиқ ишлар ана шулар жумласидандир.

Марказий сайлов комиссияси ҳамда барча даражадаги сайлов комиссиялари Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз ишини конунийлик, мустақиллик, холислик, очиқлик, ошкоралик хамда шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган холда ташкил этади.

Мажлисда шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ва унинг худудий бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур Марказнинг низоми тасдиқланди. Матбуот марказида тажрибали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар, экспертлар ва бошка мутахассислардан иборат ихтисослаштирилган еттита гурух фаолият олиб боради.

Марказий сайлов комиссиясининг Тошкент шахри, Навоий кучаси, 1-уйда (Маърифат маркази, Симпозиумлар саройи биносида) иш бошлаётган Матбуот маркази хамда унинг худудий бўлинмалари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жихозланади. Уларда журналистларга ва жамоатчиликка сайловга оид масалалар бўйича тезкор ахборот етказиш мақсадида брифинглар, матбуот анжуманлари, учрашувлар ҳамда бошқа тадбирлар ташкил килинади.

Матбуот маркази Марказий сайлов комиссиясининг "Saylov 2021" веб-портали ҳамда бошқа ахборот ресурсларининг юритилишини таъминлайди.

Йиғилиш сўнгида Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мажлисда кўриб чикилган масалалар юзасидан матбуот анжумани ва тақдимотлар ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати.



МУРОЖААТЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ

Сайёр қабул – халқ билан фаол ва очиқ мулоқот демакдир. Мамлакатимизда сайёр қабуллар ташкилланиши оқибатида халқимизнинг талайгина муаммолари **хал этилмокда. Бу фукароларимизни янада фаровон яшашларига замин яратиб**

авлатимиз рахбари томонидан юритилаётган одилона сиёсати хозирги даврда фукароларимизга ҳеч бир қийинчиликларсиз мутасаддилар, рахбарлар билан очик мулокот килишларини таъминлаб бермокда. Президентимиз томонидан имзоланган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир

чора-тадбирлар тўгрисида"ги фармонига асосан, мамлакатимизнинг барча ташкилот, олий таълим, муассасаларида Халқ қабулхоналари ташкил этилган ва фаолиятини юқори даражада олиб бормоқда. Жумладан, қабулхоналарда аҳоли муаммолари кўриб чикилиб, уларга ёрдам берилмокда, муаммолари ижобий хал этиляпти. Корхонамизнинг Жисмоний ва юридин шахслар қабулхонасида ишчи-ходимлар-

нинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чикиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Мурожаатлар билан ишлашда ходимлар масалаларини жойида ҳал этишга, сарсонгарчилик ва муаммолар юзага келишининг олдини олишга, бундай холатларга нисбатан тезкорлик билан муносабат билдиришга алохида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг учун жамиятимизда ишчи-ходимларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиб чикиш борасида режали тартибда қабуллар ташкил этилиш билан талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Рахбариятнинг жисмоний ва юридик шахсларни кабул қилиш жадвалига мувофиқ мурожаатлар вақтида ўрганиб, ҳал қилинишига

эришилмоқда.

2021 йил II чорагида "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятининг Жисмоний ва юридик шахслар қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан 201 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 12 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасидан, 76 таси бевосита жисмоний шахслардан ва 113 таси оғзаки мурожаатларни ташкил этган.

Мурожатларнинг 22 таси қаноатлантирилди, 167 тасига тушунтиришлар берилди. Шунингдек, виртуал қабулхона орқали келиб тушган 1 мурожаат қаноатлантирилди, 11 тасига тушунтиришлар бериб ўтилди. Таҳлилларга кўра, қаноатлантирилган мурожаатларнинг аксарияти ногирон ва кам таъминланган ишчихизматчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалаларни ташкил этади.

Тушунтириш берилган фуқароларнинг кўпчилиги корхонага ишга жойлашиш юзасидан мурожаат қилишган. Жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёни қонун доирасида бажарилиб, хеч қандай қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилмаган.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари хар чоракда оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилмоқда. Бундан ташқари, мурожаатлар бўйича маълумотлар йилнинг хар чорагида жамиятимизнинг "Кимёгар" газетаси ҳамда ижтимоий тармоқларида чоп этиб борилмоқда.

> Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

"FARG'ONAAZOT": ЯНГИ ЛОЙИХА, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР САРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 март куни кимё саноати тармогида амалга оширилаётган лойихалар такдимоти билан таниш жараёнида углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш юзасидан зарурий кўрсатмалар берган эди.

у борада "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятида махсулотлар хажмини ошириш, турларини кўпайтириш, экспорт географиясини кенгайтириш борасида истиқболли лойихалар амалга оширилмоқда. Яъни умумий қиймати 334 миллион доллар бўлган 4 та замонавий лойиха амалга оширилади.

2021-2025 йилларга мўлжалланган дастур доирасида мавжуд аммиак, карбамид ва аммиакли селитра ишлаб чиқарилишини модернизация қилиш ҳамда азот кислотаси ишлаб чикариш кейгайтирилади. Натижада ишлаб чиқариш хажми 30 фоизга ортади, махсулот тан нархи 8-12 фоиз арзонлаша-

Корд ва техник матолар хамда полиэфир штапел

толасини ишлаб чиқариш лойихаси ички ва ташки бозорда харидоргир махсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилашга хизмат қилади. Янги тармоқнинг ишга тушиши туфайли 350 дан ортик иш ўринлари яратилади. Яна бир мухим жихати, бу махсулот «Ангрен биринчи резинотехника» корхонасини хомашё ва текстил кластерлари учун керакли хомашё билан таъминлаш орқали импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, "Меламин" ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойихаси амалга оширилмоқда. 200 млн. АҚШ доллари қийматига эга лойиха хаётга татбик этилса, қўшимча 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

- "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти негизида

"Меламин" ишлаб чиқаришни ташкил этиш инвестиция лойихасини карбамид ишлаб чиқариш билан бирлаштирилиши учун унга бевосита яқин бўлган 2-сонли саноат майдонининг бўш турган 6 гектар ер майдонида жойлаштириш режалаштирилмоқда,дейди бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, махаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технология бўйича биринчи ўринбосари Умидилло Миллабаев. - Махсулотларнинг асосий кисми автомобилсозлик, қурилиш ва тўқимачилик сохаларда фойдаланиш учун ишлатиладиган меламин қатронлари ишлаб чиқаришида қўл келади. Шунингдек, меламин формалдегид билан биргаликда меламинформалдегид (МФ) қатронларини ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Бу мукаммал ишлов бериш ва чидамлилик зарур бўлган қатламли махсулотлар тайёрлашда кенг кўлланилади.

Меламинни қайта ишлаш саноат кластерини ташкил этиш лойихаси ишга туширилиши натижасида 100 дан ортиқ иш ўринлари яратилади. Шунингдек, мебель саноатида ишлатиладиган ламинатланган ДСП ва МДФ, катламли коғоз пластиклар, пресс-композиция ва меламин идиш -товоқ махсулотлари, лак бўёқ эритмалари ҳамда меламинформальдегид қатрони каби махсулотлар ишлаб чиқариш хам йўлга қўйилади.

Корхона қошида илмийинновациялар марказ фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда кимё саноати фаолияти ривожига хисса кушиш, тармоқлараро ҳамкорликни

йўлга қўйиш, аналитик ва илмий-тадқиқод лабораториялари, фундаментал тадқиқодлар, маркетинг бўлимлари ва тажриба - эксперимент майдончалари ташкил этилган.

Бу кимё саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи янги махсулот турларини ишлаб чиқариш имкониятини бермоқда.

"Winchemical" Ўзбекистон - Корея Республикаси қўшма корхонаси ана шундай истикболли лойихалар сирасидан. Бу ерда умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция киритилди. Корхона Марзий Осиё ва хамдўстлик мамлакатларида ягона. Деворбоп декоратив қопламалар нам ва сув ўтказмаслик, энергия тежовчи хусусиятлари билан ажралиб туради. Корхонанинг йиллик ишлаб



чиқариш қуввати бир миллион погонометр.

— Махсулотларимиз ички ва ташқи бозорда харидоргир, — дейди истикболли ривожлантириш ва инвестициялар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аброржон Хаджибалаев. – Айни кунда яқин қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия Федерациясига экспорт қиляпмиз. Мақсадимиз ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турларини кўпайтириш, янги

иш ўринлари яратиш. "Farq'onaazot" акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган истикболли лойихалар корхона экспорт салохиятини оширишда мухим омил бўлмоқда. Сўнгги икки йилда ишлаб чиқарилган махсулотлар 11 та ривожланган давлатларга экспорт

Расулжон КАМОЛОВ.



ВА ОКИБАТЛАРИ



"КИМЁГАР" БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОХИДА ҚУВНОҚ СТАРТЛАР ЎТКАЗИЛДИ

"Farg'onaazot" акциядорлик жамиятининг "Кимёгар" болалар соғломлаштириш оромгохида корхона касаба уюшма қўмитаси ҳамда ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти Кенгаши томонидан қувноқ стартлар мусобақалари ўтказилди.

Корхонамизнинг "Кимёгар" болалар соғломлаштириш оромгохида дам олаётган жамиятимиз фарзандлари учун тадбир ташкил этилди. Ушбу тадбир, 2021 йил "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустахкамлаш" йили муносабати билан ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган "Uzkimyosanoat" АЖ тизимида 2021 йилги ёшлар дастурининг 5 банди, шунингдек, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси

Республика кенгашининг 2021 йил ёшлар га оид Давлат сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги чора-тадбирлар дастурининг 8-банди ижросини таъминлаш максадида амалга оширилди.


Қувноқ-стартларда болажонлар иштиёқ билан иштирок этдилар. Мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган барча иштирокчилар "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси томонидан ўқув қуроллар билан тақдирландилар.





ҚУЁШ НУРИ ТЕЖАМКОРЛИК ГАРОВИДИР

Электр энергияси иқтисодиётимиз ривожида мухим ахамият касб этади. Шу боис ундан тежамкорлик билан фойдаланиш давр талабига айланган. Энергетика инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади, уларнинг турли эҳтиёжларини қондириш имкониятларини кўпайтириш имконини беради. Инсон цивилизациясининг ривожланиши фойдаланилаётган энергия хажми ва турлари билан ҳар доим чамбарчас боғлиқ бўлган.



Сўнгги йиллар давомида фукароларнинг энергияга бўлган эхтиёжлари хамда иқтисодий ривожланишни янада кучайтириш мақсадида энергиядан фойдаланиш микдори анча ошган. Шу сабабли Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларига бўлган эхтиёж ошиб бормоқда.

Маълумки, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергиядан оқилона фойдаланишга, шу жумладан қуёш энергияси-

дан фойдаланишга бўлган эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, охирги уч йилда ушбу сохани ривожлантириш учун ўнга яқин қарор ва "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Яқинда корхонамизнинг биринчи майдонида жойлашган янги корхона бошкармасининг мажлислар зали том қисмига номинал қуввати 5 кВт бўлган қуёш

электр станцияси ўрнатилди. Хозирда корхонамизга ўрнатилган электр станцияси 1 йилда 7 244 кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу қуёш электр станцияси билан жамиятимиз исътемоли учун тўланадиган тўловни, 3 440 900 сўмлик электр энергиясини иқтисод қилишга эришилади. Бу станция энергияси билан корхонанинг маъмурийхўжалик биноси, мажлислар зали таъминланмокда, дейди "Farg'onaazot" АЖ бош

энергетиги Маруф Исмаилов. - Ушбу қуёш электр станциясининг афзаллиги шундаки, кундузги вақтда қуёш панеллари ёрдамида ишлаб чиқилган электр энергияси корхона фойдаланаётган ички электр тармоғига параллель равишда қўшилади. Бунинг натижасида қуёш электр станцияси ишлаб чиққан электр энергияси миқдорича қувват ҳудудий электр тармоқларидан олиниши камаяди.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

КИМЁВИЙ ХАВФЛИ ОБЪЕКТЛАРДА **АВАРИЯ ВА ХАЛОКАТЛАР** КЕЛИБ ЧИКИШ САБАБЛАРИ

Кимёвий хавфли корхоналардаги халокатлар деганда кучли таъсир килувчи захарли моддаларнинг атрофмухитга тарқалиши, ушбу моддалардан сақлаш ва файдаланиш қоидаларига риоя этмаслик натижасида фавкулотда вазиятлар вужудга келиши тушунилади.

имёвий хавфли объектларда фаолият олиб бориш вақтида содир бўлиши мумкин бўлган халокат туфайли инсонларнинг оммавий тарзда захарланиши, моддаларнинг атрофга тарқалиши кузатилиши мумкин. Фавкулотда вазият туфайли захарли моддалар таъсирида инсонлар, хайвон ва ўсимликлар кўплаб

Ўзбекистонда асосий кимёвий хавфли объектлар "Oʻzkimyosanoat" АЖга тегишли корхоналар ҳисобланади. Ушбу корхоналардан ташқари кимёвий захарли моддалар билан ишлайдиган бошқа корхоналар хам мавжуд.

Ушбу объектларда авариялар қуйидаги турларга бўлинади: **1-даражали кимёвий хавфли авариялар.** Бу — ишлаб чиқаришдаги кўп сонли ишчи-хизматчилар ва якин атрофда яшовчи ахолининг зарарланиши.

2-даражали кимёвий хавфли авриялар. Бу — ишлаб чикариш корхонасидаги ишчи-хизматчиларнинг ёппасига

3-даражали кимёвий жихатдан хавфсиз авариялар. Бу — ахоли ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишчи-хизматчиларга ҳеч қандай хавф бўлмаган ҳамда кучли таъсир қилувчи захарли моддалар махаллий ўчоғини хосил қилувчи

Қозирги пайтда мутахассислар таҳлил қилиб, аниқлаган маълумотларга кўра кимёвий хавфли иншоотларда содир бўладиган авария, ёнғинлар натижасида тез таъсир этувчи захарли моддаларнинг атроф мухитга тарқалиши кузатилади, аврия содир бўлгандан кейин атрофга маълум микдордаги захарли моддалар ажралиб чикади ва захарланиш худудлари вужудга келади. Бу ўз навбатида кимёвий захарланиш майдо-

Кимёвий объектларда аврия ва ҳалокатларнинг юзага келишига қуйидаги сабаблар асосий омил

корхонанинг технологик жиҳозларининг носозли-

— узоқ муддат ишлатилган ускуна ва жиҳозларнинг эскириши;

– моддаларнинг ишлаб чиқаришда, сақлашда, ташишда йўл қуйилган хатоликлар натижасида; — портлаш, ёнғин содир бўлиши, ҳалокатлар туфай-

— моддалар билан ишлашда, уларни сақлашдаги хавфсизлик техникаси қоидаларини бузилиши туфайли; — корхонада мехнат интизоми пастлиги, мутахассис ва ишчи-хизматчиларнинг малакаси етарли эмаслиги; — махсулот ишлаб чиқаришда мураккаб технологик

жараён тизими қўлланилиши. Кимёвий хавфли объектларда авария ва халокатларнинг олдини олиш учун аввало, юзага келиши мумкин бўлган авария халокатларнинг келиб чикишини олдиндан аниклаш, унга қарши профилактик чора-тадбирларни амалда қўллаш, кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг атроф муҳитга

тарқалиши, кимёвий моддалардан фойдаланиш ва сақлаш тартибларига риоя қилиш энг мухим хамда долзарб масала А.АКБАРОВ, «Farg'onaazot» АЖ ёнғин хавфсизлиги

бўлими инспектори.

ИДОРАВИЙ ХАРБИЙЛАШТИРИЛГАН ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА МЕЪЁРЛАРНИ ТОПШИРМОКДАЛАР

"Farg'onaazot" акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган Идоравий **харбийлаштирилган қ**ўриқлаш бўлимининг вазифаларига корхонамиз хавфсизлиги, ишчи-хизматчиларни, автотранспорт воситалари, ишлаб чиқарилаётган турли хил махсулотлар ва товар моддий бойликларни хамда бошка воситаларнинг кириши ва чикишини назорат килишдир.

унингдек, такикланган транспорт воситалари, хавфли материаллар ва хомашёларни хавфсиз, қонуний чикишини таъминлаш, корхона худудидаги объектларни мухофаза қилишдан иборат.

Албатта, бу касб эгалари хар томонлама етук, билимли ва жисмонан соғлом бўлишлари шарт. Зеро, улар қўлига республикадаги катта

хизматчилари ўзларининг жисмоний тайёргарлик бўйича меъёрларни топширишмоқдалар. Биз уларнинг меъёр топшириш вақтларини аниқлаб, улар билан суҳбат қуришга қарор қилдик.

— Бизда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, "Узкимёсаноат" акциядорлик жамиятининг буйруғига асосан, ижтимоий-сиёсий ва жанговор тай-

кўпрок ёш ходимларимиз топшириб келмокдалар. Меъёрларни топшира олмаган ходимлар яна қайтадан топширишлари зарур, то шу жисмоний меъёрларни бажармагунча. Бу меъёрларни топширган ходимларимиз ўз тоифаларини кўтармоқдалар. Биз корхона рахбарияти билан келишган холда Низом ишлаб чиқдик. Бунга асосан, назарий ва жисмоний меъёрларни топширган ходимлар-





ишлаб чикариш объекти хавфсизлиги ишониб топширилган. Бу хизматларни маромида ўташ учун Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлими ходимларининг жасурлиги ва жанговор кайфиятлари қўл келади. Бу сифатларни ўзида сақлаб колиш ва янада кучайтириш учун бошқа харбийлаштирилган органлар каби уларга хам меъёрий талаблар қўйилган

Эрталаб соат беш. Фарғона шахрининг Киргули мавзесида жойлашган "Нефтчи" стадионида Идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими икки гурух

ёргарлик бўйича дастур бор ва унга кўра машғулотлар ўтказилиб келинади. Бу машғулотлар одатда январ, феврал, март, апрел ва май ойларида ўтказилади. Июн ойида эса, жисмоний ва жанговор тайёргарлик бўйича жанговор меъёрлар мезонини қабул қилиш бошланади.

Бу меъёрларни бир йилда 2 марта топшириш белгилаб қўйилган. Жисмоний меъёрлар шахсий таркиб ёши тоифаланган бўлади. Унга кўра, 30 ёшгача, 40 ёшгача ва 55 ёшдан юқори ёшдаги хизматчилар учун белгиланган. Айтиб ўтиш жоизки, меъёрларни юқори кўрсаткичларда ни топширган баллига кўра, ойлик маошига қўшимча устамалар тўлаш назарда тутилган. Масалан, 5 балл олган ходимга 50 фоиз, 4 балл олганга 35 фоиз, 3 балл олганга эса 10 фоиз 6 ой давомида, яъни янаги меъёрларни топшириш вақтигача иш хакидан ташкари устама ҳақ тўлаб берилади, – дейди Идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими

бошлиғи Абдували Хамраев. — Айни пайтда ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари 100 метрга югуриш, турникда тортиниш, 3 километрга югуриш натижаларини топширмокдалар.

Ойнинг охрига қадар хамма харбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари бу меъёрларни топшириб бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, яқинда корхонамизда бўлиб ўтган мини-футбол бўйича "Рахбар кубоги" мусобақасида Харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими жамоаси 1-ўринни эгаллади. Ўйлайманки, келажакда корхонамизда ўтказилаётган ҳар бир тадбир ва мусобақаларда ходимларимиз фаод иштирок этадилар ва қатор ғалабаларга эришадилар,

– дейди харбийлаштирилган қўриклаш бўлими бошлиғи ўринбосари Махмуджон Адилов. – Бизнинг бўлинмамизда жамоасига ўрнак бўлиб келаётган, ўз ишини севадиган ва хизматларини сидқидилдан бажарадиган масъулиятли ходимларимиз жуда кўп. Улардан бўлинмамиз соқчилари Иброхим Тешабўлишев, Ислом Тешабоев номини тилга олсам арзийди. Бу йигитлармиз республика микёсида ўтказиладиган мусобақаларида иштирок этиб келадилар. Ўтган йили мамлакат бўйича 11 та ташкилотлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақасида 5-ўрини

эгалладик. Жорий йилда шундай республика микёсидаги мусобақада "Узкимёсаноат" акциядорлик жамияти номидан иштирок этиб, олий ўринларни эгаллашни мақсад қилиб қўйганмиз.

Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлимида ходимларнинг нафақат иш фаолиятини мукаммал олиб бориши, балки жисмоний ва назарий меъёрларни ўз вақтида аъло бахоларга топширишига эътибор қаратилган, уларнинг сиёсий билимлари, психологик ҳолатини мустахкамлаш ва ишчилар билан ишлаш принципи, қолаверса ватанпарварлик хиссини ошириш борасида ҳам талайгина ишлар олиб борилади. Албатта, ходимлар малакасини ошириш хам мухим масала саналади.

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида малакамизни ошириб қайтдик. У ерда алохида яшаш жойи, озиковкат билан таъминландик.-

дейди харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими ўкчиси Акмалжон Тошпўлатов.

Акмалжон корхонамизда фаолият юритаётганига 10 йилдан ошди. Ёш бўлишига қарамай, жамоада ўзининг тиришқоқлиги ва фаоллиги билан хурмат қозонган. — Ҳарбийлаштирилган

қўриқлаш бўлимида ташкил этилган ижтимоий-сиёсий хонамизда сохамиз бўйича, Узбекистоннинг давлат арбоблари, саркардалари тўгрисида назарий билимлар бўйича имтихондан ўтамиз. Мазкур тадбир белгиланган жадвал асосида ўтказилади. Бу ўз ўтмишимизни, Ватанимиз тарихини янада мукаммал билишимизга замин яратади. Бежизга "Ўтмишсиз келажак йўқ!" демайди доно халқимиз. Шуни айтиб ўтиш жоизки, жамоамиз ахил, хамкасабаларимизни тўй ва маракаларида фаол қатнашамиз. Идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими рахбарлари хам бизларни қўллаб-қувватлайди. Айниқса, ёшларга бўлган эътибори тахсинга лойик, – дейди Акмалжон Тошпўла

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

диққат эълон!

Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3392-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 апрелдаги 237 сонли "Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофик, Фарғона шахридаги 6-сонли, Қўқон шахридаги 33-сонли, Олтиарик туманидаги 14-сонли ва Бешариқ туманидаги 15-сонли мактабларда харбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирил-

Мазкур харбий-ватанпарварлик йўналишидаги ихтисослаштирилган синфларга ўқувчилар қуйидаги талаблар асосида

1. Ихтисослаштирилган синфларга умумий ўрта таълим мактабларининг 6 ва 9-синфларини муваффакиятли якунлаган ўкувчилар танлов асосида қабул қилинади.

2. Ихтисослаштирилган синфларга кириш учун зарур хужжатлар юқоридаги мактабларда қабул комиссияси томонидан 1-20 июль кунлари қабул қилинади. 3. Танловда иштирок этиш учун ўқувчилардан қуйидаги хуж-

жатлар қабул қилинади:

• Ихтисослаштирилган синф ташкил этилган умумий ўрта таълим мактаб директори номига ариза;

• Туғилганлик тўғрисида гувохноманинг нусхаси; • 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

• Психоневрологик, силга қарши ва тери-таносил касалликлари диспансерлари, электрокардиография текшируви (ЭКГ)

бўйича тиббий маълумотномалар; • 3х4 хажмдаги 6 та фотосурат; • Фанларни ўзлаштириши тўгрисида ўкиш жойидан директор

томонидан тасдикланган маълумотнома;

• Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича ўкувчининг эришган ютуқларини тасдиқловчи хужжатлардан (фахрий ёрлиқ, сертификат, диплом кабилар агар улар мавжуд бўлса)

Ихтисослаштирилган синфларга танлов 5-25 август кунлари оралиғида ўтказилади.

Ихтисослаштирилган синфларга танлов ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган синфларга тегишли фанлар бўйича тест (тарих, математика, она тили фанларидан 10 тадан) ҳамда жисмоний тайёргарлик синовлари (5 та машқ). Тест ва жисмоний тайёргарлик бўйича синовларини топ-

ширган ўқувчилар орасидан баллар йиғиндиси бўйича кетма-кетликда камайиш тартибида 30 нафар ўғил қизлар қабул

Мурожаат учун телефонлар:

Фарғона шахридаги 6-сонли мактабда: + (90) 287 42 93. Қўқон шахридаги 33-сонли мактабда: + (91) 144 03 72. Олтиарик туманидаги 14-сонли мактабда: + 90 272 51 41. Бешариқ туманидаги 15-сонли мактабда: + 93 045 81 90.

> Шавкат АКБАРОВ. **Узбекистон Республикаси Фарғона вилояти** бўйича миллий гвардияси бошқарма бошлиғи, полковник.



"INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS" ДИРЕКТОРИ ЖАХОНГИР ДЖАХБАРОВИЧ ХАСАНОВ ВАФОТ ЭТДИ

Жахонгир Джахбарович Хасанов 1976 йилнинг 24 июл кунида таваллуд топган. 1998 йилда Фарғона Политехника институти, Қўқон филиали (кундузги), 2005 йилда Тошкент кимё-технология институтини тамомлаган. У 2019 йилдан хозирга кунга қадар "INDOŔAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS" (олдинги номи «Қўқон суперфосфат заво-

ди») директори лавозимида ишлаб келаётган эди. Мархумнинг оила аъзоларига, якинларига "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти хамдардлик билдиради. Охиратлари обод бўлсин.



ПРЕЗИДЕНТСКИЕ ВЫБОРЫ: ДАН СТАРТ ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ КАМПАНИИ

23 июля 2021 года состоялось очередное заседание Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан, в ходе которого был дан старт крупному политическому событию — выборам Президента Республики Узбекистан.

мероприятии приняли участие руководители политических партий, представители институтов гражданского общества и средств массовой информации. Отмечено, что Центральная избирательная комиссия 24 октября 2021 года определила днем выборов Президента Республики Узбекистан. А избирательная кампания начинается с 23 июля текущего года.

23 июля текущего года.

Выборы Президента будут проведены в октябре, в соответствии с изменениями, внесенными 8 февраля этого года в статью 117 Конституции Республики Узбекистан.

Председатель Центральной избирательной комиссии Зайниддин Низамходжаев особо подчеркнул, что Президентские выборы будут проведены на основе нового национального избирательного законодательства, соответствующего общепризнанным международным стандартам, а также демократических принципов — открыто и гласно.

Выборы станут ярким подтверждением демократических идей, определенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017—2021

годы.
За последние пять лет после Президентских выборов 4 декабря 2016 года произошли грандиозные изменения в жизни народа и государства, общества, национального избирательного законодательства. Как отметили престижные

международные организации и эксперты в этот период проведены важные реформы по повышению благополучия народа в социально-политической и экономической сферах.

На впервые проводимых в соответствии с Избирательным кодексом Республики Узбекистан, на основе конституционных норм и международных избирательных стандартов выборах будет обеспечено избрание руководителя страны, то есть Президента Республики Узбекистан по принципу периодичности.

К тому же, после увеличения на одну количества политических партий, значительно усилится межпартийная конкуренция.

На заседании особо отмечено, что в период избирательной кампании для всех политических партий и их кандидатов будут созданы среда для здоровой конкуренции и равные условия. За работой по подготовке и проведению Президентских выборов, в том числе процессом голосования избирателей будут наблюдать политические партии, выдвинувшие свою кандидатуру, органы самоуправления граждан, международные организации и представители зарубежных стран, журналисты, в частности и зарубежные – тысячи на-

В целях проведения предстоящие выборы на высоком политическо- правовом и организационном уровне, на основе основной программы мероприятий по подготовке к выборам Президента

Республики Узбекистан, утвержденной 14 апреля этого года Центральной избирательной комиссией совместно с организациями проводится ряд работ.

В соответствии с ней, в качестве важной задачи определены — доведение до избирателей и организаторов выборов суть и значение важности Президентских выборов, особенности выборов, Избирательного кодекса, изменения и дополнения, внесенные в избирательное законодательство. Примечательно, что подобные мероприятия, проведенные до объявления избирательной кампании, охватили миллионы граждан.

На заседании в целях своевременного и эффективного обеспечения норм, определенных в избирательном законодательстве, утвержден календарный план по проведению выборов Президента Республики Узбекистан.

В календарном плане определены ппошаговые и каждодневные задачи, которые будут проведены Центральной избирательной комиссией совместно с соответствующими госорганами. политическими партиями и другими общественными организациями. Это создание окружных и участковых избирательных комиссий, обеспечение предвыборного участия наблюдателей, создание единого электронного списка избирателей, предвыборное участие политических партий, выдвинутых ими кандидатур в Президенты и их доверенных лиц, финансирование избирательной кампании, предвыборная пропаганда, освещение избирательного процесса, проведение голосования и другая работа.

Центральная избирательная комиссия, а также избирательные комиссии всех уровней организуют свою работу по подготовке и проведению выборов Президента на основе принципов законности, независимости, честности, открытости, транспарентности и гласности.

На заседании в этих целях принято решение о создании Пресс-центра Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан и его региональных отделений, а также утверждено положение Центра. В Пресс-центре будут работать семь специализированных групп из числа опытных журналистов, правоведов, переводчиков, экспертов и других специалистов.

Пресс-центр Центральной избирательной комиссии, который начнет деятельность в здании Дворца симпозиумов, Центра просветительства по адресу город Ташкент, ул. Навои, д.1, а также его региональные отделения будут обеспечены современной информационно-коммуникационной технологией. В них в целях обеспечения оперативной информацией по выборам журналистов и общественности будут проводиться брифинги, пресс-конференции, встречи и другия мероприятия.

Пресс-центр обеспечит ведение вебпортала "Saylov 2021" Центральной избирательной комиссии, а также других информационных ресурсов.

В завершение заседания Центральной избирательной комиссией для представителей средств массовой информации по рассмотренным вопросам проведена пресс-конференция и презентации.

Пресс-служба Центральной избирательной комиссии.



Что такое иммунитет? Это защитные свойства нашего организма, которые проявляются в умении обнаруживать чуждые ему бактерии и вирусы, а также бороться с ними. Хороший иммунитет и определяет наше здоровье.

Обычно выделяют два типа иммунитета:

• **Естественный (или врождённый) иммунитет** — тот, который приобретается при болезнях, а потом передаётся по наследству.

